2012 йил
Мустаҳкам оила йили

# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 2-FEVRAL, PAYSHANBA, 15 (7944) - SON

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan
Bahosi kelishilgan narxda.



# ҲАРБИЙЛАР ОИЛАСИ

*— Оилангда тинчлик ва хотиржамлик бўлса, эртанги кунга умид, эзгу орзуларни рўёбга чиқариш учун интилиш ортаверади, — дейди Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округида хизмат қилаётган майор Аҳрoржон Шокиров.*

*Аҳрoржон Шокировнинг турмуш ўртоғи Оҳистахон ҳам ҳарбий, Қарши гарнизонининг алоқачилар қисмида шартнома асосида хизмат қилади. Икки фарзанд камол топаётган, ўзаро ишонч ва меҳр-муҳаббатга қурилган бу ёш оилага кўпчилик ҳавас қилади.*

*— Мамлакатимизда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилаётган алоҳида эътибордан беҳад мамнунмиз, — дейди Оҳистахон Шокирова.*

**СУРАТДА:** *Аҳрoржон Шокировлар оиласи.*

**Жамшид НОРҚОБИЛОВ**
**(ЎзА) олган сурат.**

## САҲИФАЛАРДА:




«АФРОСИЁБ» СЕРҚАТНОВ БЎЛДИ 2

ЗАМОНАВИЙ ТИББИЙ ХИЗМАТ БЕХАТАР ОНАЛИК КАФОЛАТИ



3




ШАРҚ МАЪНАВИЯТИ ХАЗИНАСИНИНГ КАЛИТИ 4

«Qishloq HAYOTI»
15-son (2012-yil 2-fevral)

# МАҲСУЛОТ СИФАТИ – ЭКСПОРТ МЕЗОНИ

## МАМЛАКАТ САЛОҲИЯТИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ШУНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ

**Аграр соҳа мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан биридир. Соҳани тараққий эттириш нафақат иқтисодиётни ривожлантириш, балки аҳоли фаровонлигини оширишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Республикамизда аҳолининг асосий қисми қишлоқ жойларда истиқомат қилади ва уларнинг турмуш фаровонлиги қишлоқ хўжалиги билан чамбарчас боғлиқдир. Мана шу жиҳат инобатга олинган ҳолда мустақилликнинг илк йилларидаёқ қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларга катта эътибор қаратилди. Ислоҳотлар натижасида, аввало, ер ўз эгасини топди. Бугунги кунда фермерлар қишлоқ хўжалигида нафақат ишлаб чиқаришнинг етакчи кучига айланди, балки етиштирган маҳсулотларини қайта ишлаб, бозорни таъминлаш баробарида экспорт салоҳиятини ҳам оширмоқдалар.**



Ўтган йилда мамлакатимизда 6 миллион 800 минг тонна ғалла, 3 миллион 500 минг тоннага яқин пахта, 8 миллион 200 минг тоннадан ортиқ сабзавот ва полиз, қарийб 3 миллион тонна боғдорчилик маҳсулотлари етиштирилди. Умуман олганда, ўтган йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 6,6 фоизга ўсди.

Барқарор ўсиш суръатлари. Бугун дунёнинг кўпгина давлатларида озиқ-овқат танқислиги сезилаётган бир даврда бу ниҳоятда аҳамиятлидир. Мамлакатимизда етиштирилаётган маҳсулотлар ички истеъмолимизни тўлиқ таъминлаб, дунёга чиқаётгани эса қувонарлидир. Яъни ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида экспорт улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Буни рақамларда кўрамиз. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг маълумотларига кўра, 2011 йилда экспортга етказиб берилган ҳамма турдаги мева-сабзавот маҳсулотининг ҳажми 827 минг тоннадан кўпроқни ташкил этган. 2010 йилга нисбатан 120 фоизга ўсишга эришилган. Шунингдек, маҳсулот қиймати унинг ҳажмига нисбатан ортган. Бу жаҳон бозорида маҳсулотларимизга талаб ошганидан далолат.

Жаннатмонанд юртимиз иқлим шароити, соҳага қаратилаётган эътибор, тўпланган бой тажрибалар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, уни экспорт қилишда катта салоҳиятга эга. Бугун пахта, ғалла каби йўналишлар экспортида етарли тажриба тўпланган. Аммо мева-сабзавотчилик имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмоқдами?

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида Олий Мажлис Сенати Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан ташкил этилган "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифатини ошириш ва экспорт салоҳиятини янада ривожлантиришнинг энг муҳим мезонлари" мавзусидаги конференцияда ушбу масалалар муҳокама этилди.

Тадбирда сенаторлар, халқ депутатлари Тошкент ва Сирдарё вилоятлари Кенгашлари депутатлари, фермерлар, олимлар, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг вакиллари, олий ўқув юртлари ўқитувчилари ҳамда журналистлар иштирок этишди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бераётгани Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси Ҳамробой Раззоқов, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Наримон Умаров, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари Шерали Нурматов, Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Файзулла Бердиевлар томонидан алоҳида таъкидланди.

Йиғилишда Президентимизнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган устувор вазифалар белгилаб олинди. Мана шу вазифалардан бири — мева-сабзавотчилик соҳасида экспорт салоҳиятини оширишдир.

Конференцияда қайд этилганидек, аграр секторда экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, қайта ишлаш саноатини ривожлантириш барқарор ўсишни таъминлайди. Бу вазифани ҳал этиш эса маҳсулотлар сифати ҳамда қайта ишлаш саноати самарадорлигини оширишни тақозо этмоқда.

Бугунги кунда экспорт қилинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибида янги узилган сабзавотлар, мевалар, полиз маҳсулотлари, дуккаклиларнинг катта улуши сақланиб қолмоқда. Бу эса, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, консервалаш, қадоқлаш корхоналарининг қувватларини янада оширишни талаб этади.

Жаҳон бозоридаги талабни ҳисобга олган ҳолда янги, серҳосил ва рақобатбардош, тупроқ ва иқлим шароитларига мос навларни яратиш, замонавий агротехнологияларни амалиётга жорий этиш, тежамкор технология ва усуллардан фойдаланишни такомиллаштириш зарурати юзага келган.

Конференция иштирокчилари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, маҳсулотни етиштириш, унга ишлов бериш, қайта ишлаш, қадоқлаш, ресурсларни тежаш технологияларини жорий этиш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларининг экологик хавфсизлигини таъминлашга оид фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Муҳокама якуни бўйича тегишли тавсиялар қабул қилинди.

**Анвар ҚУЛМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**



# «АФРОСИЁБ» СЕРҚАТНОВ БЎЛДИ

**2012 йилнинг январидан бошлаб Тошкент- Самарқанд- Тошкент йўналиши бўйича ҳаракатланувчи "Афросиёб" тезюрар поездининг қатнови ҳафтасига беш марта— сешанба, чоршанба, жума, шанба, ва якшанба кунлари йўлга қўйилди.**

"Ўзтемирйўлйўловчи" ОАЖ ахборот хизматидан хабар қилинишича, замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган 162/161 рақамли поезд кундузи соат 8:15 да Тошкентдан чиқиб, 10:45 да Самарқандга етиб боради. Кеч соат 16:55 да Самарқанддан йўлга чиққан поезд эса соат 19:35 да пойтахт вокзалига етиб келади.

Шу ўринда "Афросиёб" тезюрар поезди рейсларининг кўпайиши муносабати билан "Шарқ", "Регистон", ва "Насаф" поездлари қатновларига ўзгартиришлар киритилганини ҳам айтиш жоиз.

"Афросиёб" тезюрар поездлари Испаниянинг "Talgo" компанияси билан тузилган шартнома асосида Ўзбекистонга келтирилган ва мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма йиллиги арафасида ишга туширилган эди.

**ҚАРОР ВА ИЖРО**

Наманган Вилояти

# ИШОНЧЛИ, БЕХАВОТИР ЙЎНАЛИШСИЗ ТАКСИЛАР

**Наманган шаҳар кўчаларида сариқ рангдаги "Нексия", "Матиз" каби енгил машиналар – йўналишсиз таксилар сони кун сайин ортиб бормоқда. Йўловчиларга сифатли такси хизматини кўрсатишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги "Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамият касб этиб, унинг ижроси юзасидан Наманган вилоятида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда.**



*"Муҳаммад сервис" МЧЖ механиги Авазхон Каримов такси ҳайдовчиси Маркос Арутюнянни хизмат кўрсатишга кузатмоқда.*

— Турмуш тарзимиз ҳар жиҳатдан юксалиб, хизмат кўрсатиш тизими такомиллашиб бормоқда, — дейди Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг Наманган вилояти ҳудудий бўлими бошлиғи Ҳасанбой Бойдедаев. — Бевосита юқорида таъкидланган қарор мазмун-моҳиятига эътибор қаратадиган бўлсак, даврнинг ўзи йўловчи ташиш транспорти хизматини такомиллаштиришни, бу борадаги айрим ноқонуний ҳолатларни тартибга солишни, айни пайтда фуқаролар учун эмин-эркин ва қулай қатновни йўлга қўйишни тақозо этаётир. Сир эмас, қарор кучга киргунга қадар ҳар ким, ҳар хил тартибда, гоҳ ошкора, гоҳ яширинча йўловчи ташиш билан шуғулланаётган эди. Айниқса, соз-носоз машиналар билан хизмат кўрсатиш ёки малакасиз ҳайдовчи бошқарувидаги такси автоуловлари оқимининг ҳаддан зиёд кўпайиб кетиши натижасида кўнгилсиз ҳодисаларнинг тез-тез содир бўлаётганлиги ачинарли ҳол эди, албатта. Масаланинг бу жиҳатлари қарорда яққол акс эттирилган бўлиб, "Йўналишсиз таксилар учун ягона таниш белгилари ва уларнинг ишларини ташкил этишга қўйиладиган талаблар тўғрисида"ги Низомнинг 13-бандида йўналишсиз таксининг техник ҳолати ва жиҳозларининг йўл ҳаракати хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги, шунингдек, ҳайдовчи 21 ёшга тўлган, 3 йиллик тажрибага эга ва тиббий кўрикдан ўтган шахс бўлиши лозимлигига алоҳида урғу берилган. Шу ўринда яна бир муҳим масала — ҳайдовчилар автоулов эгаларига ўзаро тузилган шартномага мувофиқ ижара тўловларини амалга оширадилар. Айни пайтда такси ҳайдовчилари кафолатланган иш ўрнига эга бўлиб, уларга ойлик маош тўлаш билан бирга, меҳнат дафтарчаси ҳам юритилади. Яъни барча ижтимоий имтиёзлардан фойдаланиш имконияти кенгаяди.

> Айни кунларда вилоят бўйича 46 та юридик мақомга эга бўлган транспорт корхоналари бўлиб, уларнинг деярли барчаси жойларда қарор ижросини таъминлашда фаоллик кўрсатишяпти. Мазкур корхоналарда шу кунгача 300 тадан ортиқ сариқ рангга бўялган "Нексия", "Матиз" русумли енгил автомашиналар рўйхатдан ўтказилди.

Бу борадаги ишларни кун сайин жонлантириб боришда "Наманган йўловчи ташиш" давлат унитар корхонаси, "Чортоқ бош бекати" МЧЖ, 11-автобус саройи МЧЖ, айниқса, Маруб Каримов раҳбарлигидаги "Муҳаммад сервис" МЧЖ каби корхоналарда ибратли ишлар йўлга қўйилган.

— Мен шахсий машинам билан "Тошкент–Наманган" йўналиши ҳамда Наманган шаҳрида йўловчи ташиш билан шуғулланаман, — дейди Маркос Арутюнян. — Яқинда янги тартибга кўра, "Нексия" русумли автоуловимни сариқ рангга бўядим. Машинамнинг давлат рақамини ҳам ўзгартириб беришди. Айни пайтда тизимда амалга оширилаётган ишлар мени хотиржам машина бошқариб боришим, эсон-омон мижозларимни манзилларига етказиб қўйишимда кўпгина қулайликларни яратди. Мижозларнинг бизларга бўлган ишончи ортиб бораётганлиги қувонарли ҳол. Ҳар куни "Муҳаммад сервис" МЧЖ корхонаси томонидан машинамни техник кўрикдан ўтказилаётганлиги эса айни муддао бўлаётир. Мабодо, маълум вақт ўтгач, машинамни сотмоқчи бўлсам, бу борада ҳам муаммо йўқ экан. Белгиланган тартибда машинамнинг давлат рақами ҳеч бир монеликсиз алмаштирилиб, техник паспорти қайтариб берилади.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# «ОИЛА»НИНГ ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИДАГИ МАСЪУЛИЯТИ

**Ақлли, хушмуомала, одобли инсонлар ҳақида суҳбатлашганда "Фалон оиланинг фарзандлари-да", деган гаплар қулоғимизга чалинади. Дарҳақиқат, оила аталмиш муқаддас даргоҳда фарзандларимизга берилган тўғри тарбия келажакда ўз мевасини беради.**

Давлатимиз мустақилликка эришганидан сўнг, юртимизда ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий жабҳаларда туб ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида оила масаласига ҳам катта эътибор берила бошланди. Оила фаровонлигини таъминлаш, оналар ва болаларни ижтимоий муҳофаза этиш, бу борадаги миллий қадриятларимизни тиклаш сиёсатнинг устувор йўналашларидан бирига айланди.

Юртбошимиз Ислом Каримов 1998 йилни "Оила йили" деб эълон қилганида Оила институтларини ташкил этиш зарурлиги таъкидланган эди. Президентимизнинг ташаббуси билан 1998 йил 2 февралда Вазирлар Маҳкамасининг 54-сонли қарорига асосан Республика "Оила" илмий-амалий маркази ўз фаолиятини бошлади. Шу жумладан, республикамизнинг барча вилоятлари хотин-қизлар қўмиталари қошида оила институтлари ташкил қилинди.



Оилаларимизнинг тинчлиги жамиятимиз тинчлиги демак. Чунки оиласи хотиржам инсоннинг жамият учун ҳам салмоқли фойдаси тегади.

Марказимизнинг мақсади – оилалар мустаҳкамлигини таъминлашдан иборат. Асосий вазифамиз оиланинг ижтимоий жиҳатдан ҳуқуқий, маънавий, психологик, иқтисодий ва тиббий муаммоларини тадқиқ этиб, олинган натижаларни ташвиқот-тарғибот этишдан иборат. Илмий лойиҳалар устида олиб борилган тадқиқот натижалари монография, услубий қўлланма, "Оила кутубхонаси" рукнидаги китоб, илмий ва оммабоп мақолалар шаклида газета ҳамда журналларда чоп этилди.

Тадқиқотчиларимизнинг изланишлари самарасида яратилган услубий қўлланмалар тарқатилгани, 2011 йилнинг ўзида 7 та лойиҳа ўз ниҳоясига етказиб олинган хулосалар монографияларда ўз аксини топди.

Ҳар бир вилоят ва туман хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда йигит-қизларни оилага тайёрлаш, уларни ҳунар ва оила юритиш сирларидан воқиф этиб бориш мақсадида ўқув марказлари ташкил этилди.

Марказимиз томонидан маҳаллаларда якшанба мактаблари ташкил этилган бўлиб, айрим ўзидаги мавжуд интеллектини намойиш эта олмаётган ногирон болаларга қандай муносабатда бўлиш, уларга йўл-йўриқ кўрсатиш борасида махсус ўқув режа ишлаб чиқилиб, болаларнинг ота-оналарига дарслар ўтилмоқда. Натижада болаларда ижобий ўзгаришлар сезилди. Ўзига ишончи ортган болалар эса жамиятда ҳам ўз ўрнини топади.

Шунингдек, маҳаллалар қошида Ота-оналар университетлари ташкил этилди. Умумий 36 соатлик дарсларда ота-оналар учта бўлимга ажратиб ўқитилмоқда. Яъни ёш, ўрта, кекса ота-оналарни алоҳида ўқитиш йўлга қўйилди. Дарсларга ҳуқуқшунос, иқтисодчи, тиббиёт ходимлари, кўпчиликка ўрнак бўлишга арзийдиган оила вакиллари ҳам таклиф қилинади.

Ўқув дастурлари тузилиб, касб-ҳунар коллежлари, лицей, мактабларнинг ўқув режаларига оила педагогикаси, оила психологияси, оилашунослик каби фанлар киритилди. Ушбу фанларни ўқитиш учун тайёрланган кадрлар, психолог-ўқитувчилар ҳар икки йилда бир марта маҳаллаларга бориб, оилалардаги келишмовчиликлар, ўз жонига қасд қилиш ва бошқа салбий иллатларнинг олдини олиш каби мавзуларда маърузалар ўқишади.

Шунингдек, никоҳ масаласи, ажрим, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида давра суҳбатлари ўтказиб борилади.

Жорий йилнинг "Мусатаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши доимий ишимизнинг давомийлиги бўлиб, оилаларнинг янада мустаҳкам бўлишида, ёш оилаларни ижтимоий муҳофаза қилишдек ишларни амалга оширишда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

**Даврон ХОЛИҚОВ,**
**Республика "Оила" илмий-амалий маркази етакчи илмий ходими, педагогика фанлари номзоди, доцент.**

Қашқадарё Вилояти

## ОИЛАДА СОҒЛОМ МАЪНАВИЙ МУҲИТ

**Қарши Агробизнес ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежида "Оилада соғлом маънавий муҳитни барқарорлаштириш, хотин-қизлар ва вояга етмаган ёшлар ўртасида жиноятчилик ҳолатларининг олдини олиш" мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.**

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, "Оила" илмий-амалий маркази ва ички ишлар бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда барча туман фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ва психологлар иштирок этдилар.

Унда сўзга чиққанлар оилада соғлом маънавий муҳитни барқарорлаштириш, хотин-қизлар ўртасида жиноятчилик, фоҳишабозлик ва гиёҳвандлик каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқий манфаатлари, меҳнат муҳофазасини қатъий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида гапирдилар. Шунингдек, хотин-қизлар ўртасида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш, уй меҳнати билан шуғулланаётган хотин-қизларнинг касбий маҳорати ва билим даражасини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратишга кўмаклашиш лозимлиги ҳам таъкидланди.

Семинар-тренинг қизғин мунозара тарзида ўтиб, иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**



# ЗАМОНАВИЙ ТИББИЙ ХИЗМАТ БЕХАТАР ОНАЛИК КАФОЛАТИ

**Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ва мустаҳкам оилани шакллантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, айни вақтда республикамизда жисмоний жиҳатдан етук, соғлом авлодни тарбиялаш борасидаги ислоҳотлар босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда.**

Жумладан, 150 ўринли Навоий вилояти туғуруқ мажмуаси ихтисослаштирилган мустақил тиббиёт муассасаси — Перинатал марказга айлантирилганлиги ҳам бундан далолат беради. Шунингдек, марказда ўтган йилнинг иккинчи ярим йиллигида ўн ўринли ўта кам вазнли, нимжон ва хаста туғилган чақалоқлар учун ташкил этилган янги бўлим ҳам тиббиётдаги янгиликлардан бири ҳисобланади. Мазкур бўлимда малакали неонатолог ва неореаниматологлар ёрдамида 182 чақалоқ соғломлаштирилганлиги соҳадаги ислоҳотлар ўз ижобий самарасини кўрсатаётганлигини исботлаб турибди.

Чақалоқларга тиббий ёрдам ва парвариш сифати яхшиланганлиги натижасида улар ўртасида ўлим ҳолатлари ўтган йилларга нисбатан икки баробарга камайди. Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш миллий моделига мувофиқ амалга оширилаётган ишлар қаторига марказимизга "Саломатлик-3" лойиҳаси ҳамда Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда 400 миллион сўмлик жаҳон стандартлари асосида ишлаб чиқарилган тиббий аппаратлар ва лаборатория жиҳозлари олинганлигини алоҳида эътироф этиш лозим. Замонавий тиббий жиҳозлар ҳамда малакали тиббиёт ходимлари ёрдамида марказимизда ўтган йил давомида 8 минг нафар она ва болага хизмат кўрсатилди. Қон йўқотиш, юрак хасталиги, камқонликнинг оғир даражаси каби хасталикларга чалинган беморларнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Бундан ташқари, Перинатал марказда аҳолининг репродуктив саломатлигини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар режаси белгилаб олинган бўлиб, ўтган йил мобайнида республикамиздаги илмий-текшириш марказларининг профессорлари ҳамда вилоятимизнинг малакали мутахассислари иштирокида маҳаллаларда, олий ўқув юртларида, коллеж ва лицейларда, мактабларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи учрашувлар, давра суҳбатлари, очиқ мулоқотлар ўтказилди. Аёллар репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш ва соғлом оилани шакллантириш, ўсмир қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, туғма наслий касалликлар, никоҳдан олдинги тиббий кўрикнинг аҳамияти, скрининг текширувининг моҳияти, болани кўкрак сути билан парваришлашнинг афзалликлари, камқонликнинг келиб чиқиш сабаблари ва унинг олдини олиш ҳақидаги ўнлаб мавзулардаги маърузалар ҳамда аҳолига тарқатилган қўлланмалар, буклетлар оилада тиббий маданиятни юксалтиришга ёрдам бермоқда.

Ўтган йилнинг бошида Перинатал марказда ташкил этилган бачадон бўйни раки скрининги фаолият кўрсатаётганлиги ҳам аёллар саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган ҳукумат қарорларининг ижроси таъминланаётганлигидан далолатдир. Бу эса аёлларда учрайдиган хавфли хасталикнинг олдини олишга имкон бераётганлиги билан жуда муҳим ўрин тутади.

Шунингдек, бехатар ҳомиладорлик ва туғуруққа катта эътибор қаратилмоқда. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг "Бехатар оналик", "Кўкрак сути билан парваришлаш" дастурларининг ҳаётга татбиқ этилиши, она ва боланинг туну кун бирга бўлиши оналар ва чақалоқлар касаллигининг кескин камайишига ёрдам бермоқда. Аёллар ўртасида туғуруқдан кейинги асоратлар, кўкрак бези яллиғланиши, чақалоқлар ўртасида физиологик сариқлик, киндик яллиғланиши, кўзнинг яллиғланиши ҳолатлари кескин камайди. Зеро, она сути билан бола нафақат озиқланади, балки у беқиёс меҳр тафтини ҳам туйиб улғаяди, камолга етади. Бу эса азалий қадриятларимиз, меҳр-оқибат каби юксак тушунчаларга мутаносиб эканлиги билан қадрлидир.

Бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, ҳаёт абадийлиги, бебаҳо неъмат бўлмиш фарзанд бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша келажагини ўйлаб, эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди.

2012 йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши замирида ҳам, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маъно-моҳият мужассам. Президентимиз таъкидлаганларидек, "Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор. Буни исботлаб, тасдиқлаб беришнинг ҳеч қандай ҳожати йўқ".

Шундай экан, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, саломатлигимизни асраш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш ўзимизга боғлиқ эканлигини унутмайлик.

**Фарҳод ҒАФФОРОВ,**
**Навоий вилояти Перинатал маркази директори.**








# Шарқ маънавияти хазинасининг калити

О Навоийни англаш

*Ҳазрат Навоий — чексиз сўз уммонидан бебаҳо дуру гавҳарлар топган хазина соҳиби. Назм гулшанининг хушовоз булбули. Мажозий ва илоҳий ишқ сирларининг бемисл куйчиси. Туркий тилнинг мўъжизавий қудратини, ўзига хослиги ва жозибасини кўз-кўз қилган тилшунос. Давлату халқ манфаатини бир тизгинда ушлаган моҳир сиёсатдон. Инсонийлик ва комиллик чўққиларини забт этган мукаммал шахс. Асрлар оша "назмий саройни титратиб" келаётган буюк истеъдод эгаси.*

Ҳа, буюк бобокалонимизга қанчалик таъриф берсак, уни қанчалик эъзозу эҳтиром тахтига кўтарсак, шунчалик оз. Шоирнинг бой адабий мероси фикран тиниқлик, ақлан теранлик, шаклан хилмахиллик, ботинан пурмаънолик, зоҳиран гўзаллик каби фазилатларни ўзида мужассам этади. Мирзо Бобур таъбири билан айтганда "туркий тилда ҳеч ким ончалик кўп ва хўб айтғон эрмас".

Навоий ҳазратлари ижодига юзланиб, аввало, тил хусусидаги "Тилга ихтиёрсиз, элга эътиборсиз", деган ҳикматларини ёдга олайлик. Буюк бобокалонимиз ушбу ҳикмат орқали ҳар ким ўз тилида эҳтиёткорлик ва одоб сақлаши лозимлиги, аксинча, тилга ортиқча эрк беришлик ёки эътиборсизлик натижасида ўзига ва атрофдагиларга мушкулот ҳамда нохушлик туғилиши мумкинлигини таъкидлайдилар. Кишилардаги тил одоби, сўз ва амал монандлиги ҳақида "Тилни тиёлган одам — донишманд, оқил; сўзга эрк берган одам — беандиша ва пасткаш. Тил ширин ва ёқимли бўлса яхши; тил билан дил бир бўлса, яна яхши", дея лутф этадилар.

Низомиддин Мир Алишер Навоий ўз пири комилларини, муршиду устозларини ниҳоят даражада ҳурмат қилганлар. Уларга бўлган чуқур миннатдорлиги, беқиёс ва сермашаққат меҳнатлари олдидаги эҳтироми бениҳоя эканлигини:

***"Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф***
***ўқитмиш ранж ила,***
***Айламак бўлмас адо онинг***
***ҳақин юз ганж ила",***

деган биргина шоҳ байти орқали англаб олишимиз мушкул эмас.

Алишер Навоий адабий меросига янада теранроқ назар соладиган бўлсак, ул зоти муборак ижодининг муҳим қирраларидан ҳисобланмиш ғазаллари сони 3 мингтага яқинни ташкил этади. Адабий жанрларнинг деярли барчасидан фойдаланиб, ўз ижодий фаолияти давомида 26 мингдан ортиқ сўз қўллаган. Ваҳоланки, бу рақам Пушкинда 21 мингдан ортиқни, Шекспирда 20 мингга яқинни, Сервантесда 18 мингдан кўпроқни, Насимийда 13 мингдан зиёдни ва Абай ижодида 6 мингни ташкил этади.

Дарҳақиқат, улуғ шоирнинг луғат бойлиги, маънавий мулки ниҳоятда салмоқли бўлиб, асарларининг таъсир доираси, кўлами кенглиги бошқа мумтоз ижод намуналаридан ажралиб туради. Жумладан, ота-она олдидаги ҳар бир солиҳ фарзанднинг фарзу қарзи борасида "Ҳайратул аброр" достонида зикр қилинган тарбиявий-ахлоқий руҳдаги қуйидаги парчага эътибор беринг:

***Бошни фидо айла ато бошиға,***
***Жисмни қил садқа ано қошиға,***
***Тун кунингга айлагали нурфош,***
***Бирисин ой англа, бирисин қуёш.***

Таниқли адабиётшунос олим Нажмиддин Комилов таъбири билан айтганда "Навоий ижоди — бир калит. Бу калитни қўлга киритган одам ҳам мумтоз адабиёт сирларини эгаллайди, ҳам Шарқ маънавияти хазинасига эшик очади".

Навоийшунос Иброҳим Ҳаққулов эса: "...Мир Алишер Навоий ижодини баҳоли қудрат ўқиб, ўрганиб, талқин этаман. Бироқ навоийшунос деган номга даъвом йўқ. Мен Навоийнинг муҳибиман. Мана шу муҳиблик — мени руҳлантирувчи, чарчоқлик ва чорасизликлардан муҳофаза қилиб, доимий равишда нималарнидир ёзиб-чизишга ундовчи бир асос... Худо умр берса, ҳаётимнинг қолган қисмини ҳам тасаввуф ва Навоий шеърияти масалаларини ўрганишга бағишламоқчиман", дея ўз эҳтиромини баён этади.

Буюк шоирнинг бундай баҳога муносиблигини ёш Алишербекнинг биргина байтига бутун умри давомида яратган асарларини алишмоқчи бўлган мавлоно Лутфийдан тортиб, ҳозирда яшаб, ижод қилиб келаётган сўз санъаткорлари, шоиру олимлар эътироф этишган ва этишаётир.

Биз ўз бадиий ижод маҳсули, илмий, тарихий асарлари ила асрлар оша яшаб, мангуликка дахлдор бўлиб келаётган буюк бобокалонимизнинг беназир ютуқлари билан фахрланибгина қолмай, мўътабар аждодимизнинг муносиб издошлари бўлиб етишишга ҳаракат қилишимиз, Навоийни ўқиб, Навоийни тушуниш, англаш шарафига эришишга интилишимиз лозим.

**Шодиёр ЙЎЛДОШЕВ**





# КИТОБ ҲАҚИДА донолар фикри

**Китоб — билимлар манбаи, деймиз. Дарҳақиқат, комиллик сари интилган ҳар бир инсоннинг ҳаётида китоб муҳим ўрин тутади. У инсонни мустақил фикрлашга ўргатади, дунёқарашини кенгайтиради, билимини оширади, қолаверса, ҳаётда ўз ўрнини топишда, бирор касбни эгаллашда ҳам муҳим манба ҳисобланади. Тарихдан биламизки, машҳур шахслар, давлат арбоблари, шоиру уламолар, донишманду олимлар кўп китоб мутолаа қилганлар. Биз сизларга қуйида ана шундай шахсларнинг китоб ҳақидаги фикрларини ҳавола қилаяпмиз.**

Китоб барча бунёдкорлик, яратувчанлик ва ақлидрокнинг, илму донишнинг асосидир, ҳаётни ўргатувчи мураббийдир.

**Амир ТЕМУР**

* * *

Одамлар китоб ўқишдан тўхтасалар, фикрлашдан ҳам тўхтайдилар.

**Д.ДИДРО**

* * *

Китоблар инсоният фикри дурдоналарини тўплаб, авлодларга етказади.

**ОЙБЕК**

* * *

Китобнинг ҳар бир саҳифаси чуқур мазмунга лиммо-лим ягона маънавият негизидир.

**ГЁТЕ**

* * *

Китоб — бойлик. Лекин сотиб олингани эмас, ўқилганидир.

**Асқад МУХТОР**

* * *

Китобни тушуниб мутолаа қилиш керак.

**Абдулла ҚОДИРИЙ**

* * *

Бир марта ўқиладиган китобнинг ҳозирги куни бор, такрор-такрор ўқиладиган асарнинг келажаги бор.

**Александр ДЮМА**

* * *

Китоб қайси жанрда ёзилмасин, ўқишли бўлиши керак. Китобнинг ўқишли бўлиши, авторнинг китобхонга айтадиган тўла мағизли ва жуда зарур фикри бўлганини кўрсатади.

**Абдулла ҚАҲҲОР**

* * *

Оз бўлса ҳам билмоқ учун кўп ўқимоқ зарур.

**МОНТЕСКЬЕ**



# "ОНА ЮРТ МАНЗАРАЛАРИ"

О Кўргазма

**Тошкент вилояти маънавият ва маърифат марказида бекободлик фотоижодкор, Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси Султонбой Деҳқоновнинг озод ва обод диёримизни мадҳ этувчи шу номдаги фотокўргазмаси ташкил этилди.**

— Яқиндагина Тошкент Фотосуратлар уйида муаллифнинг "Шу юрт фарзандиман" номли фотокўргазмасининг гувоҳи бўлгандик, бугун эса, "Она юрт манзаралари" олдида яна бир бор ҳайратга тушдик, — дейди фотокўргазмада сўзга чиққан Ўзбекистон Бадиий Академияси бошқарма бошлиғи, ёзувчи ва санъатшунос Нодир Норматов. — Олис бир қишлоқдан пойтахтга келиб, юртдошларимизга мана шундай ажойиб фотосуратлар кўргазмасини тақдим этиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди.

— Менга Султонбой аканинг "Қордаги гул" асари жуда ёқди, — дейди Бўка туманидаги марказий маданият саройи директори Собир Нишонов. — Унинг қаҳратон қишда, қор остида қолишига қарамасдан, очилишга тайёр турган атиргул ғунчасини санъат асарига айлантиргани менда катта таассурот қолдирди.

— Чинакам мўъжиза табиатнинг ижодкорлигида, — дейди Султонбой Деҳқонов суҳбатга қўшиларкан. — Атиргул совуққа чидамли ўсимлик ҳисобланади. Бу гул ҳали ҳам ҳовлимизда яшнаб турибди. Ҳар сафар уни кўрганимда, шоир Ойбекнинг "Қишларида шивирлар баҳор..." деган сатрлари ёдимга келади. Томошабин қайсидир асарга эътибор бериб, қайсидир асар олдидан беэътибор ўтиб кетиши ҳам мумкин. Лекин муаллиф учун уларнинг ҳар бири азиз ва қимматлидир. Чунки ҳар бир фотосуратнинг ўз тарихи бор.

— Мана бу суратни "Қиш сонатаси" деб номлашимнинг ҳам сабаби бор, — дейди у сўзини давом эттираркан. — Мусиқада еттита нота борлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Энди мана бу муз парчаларини санаб кўринг. Бир, икки, уч... етти. Кўрдингизми, энг буюк рассом — табиатнинг ўзи. Биз эса, унинг ижод намуналарини тарихга муҳрлаб қўямиз, холос.

Султонбой Деҳқоновнинг "Она юрт манзаралари" деб номланган шахсий фотокўргазмаси ана шундай эътирофларга тўла руҳда ўтди. Томошабинларни ҳайратлар оламига етаклаган муаллифга келгусида ижодий муваффақиятлар тилаб қоламиз.

**Назира БОЙМУРОДОВА**

# «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖНИНГ ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИНИНГ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА

**I. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Андижон вилояти, Андижон шаҳар ҳокимининг 2011 йил 29 декабрдаги 863-К-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:**

**1.** Гўшт-сут ишлаб чиқариш биноси қуриш учун, Андижон шаҳар, Ўш кўчаси, 35-манзил, 2-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 2500,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 935 875 сўм.

**2.** Гўшт-сут ишлаб чиқариш биноси қуриш учун, Андижон шаҳар, Ўш кўчаси, 35-манзил, 2-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 2000,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 453 460 сўм.

**3.** Ишлаб чиқариш биноси қуриш учун, Андижон шаҳар, Саноат кўчаси, 239-манзил, 1-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 2900,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 2 245 615 сўм.

**4.** Ишлаб чиқариш биноси қуриш учун, Андижон шаҳар, Найман кўчаси, 57-манзил, 2-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 900,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 654 057 сўм.

**5.** Ишлаб чиқариш биноси қуриш учун, Андижон шаҳар, Шимолий саноат ҳудуди, 2-зонасида жойлашган 2 дона, ҳар бири 2500,0 кв.м.дан ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 453 460 сўмдан.

**6.** Ишлаб чиқариш биноси қуриш учун, Андижон шаҳар, А.Темур шоҳ кўчаси, 35 Б-манзил, 1-зонаси ҳудудида жойлашган 2 дона, ҳар бири 2500,0 кв.м.дан ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 935 875 сўмдан.

**7.** Маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун, Андижон шаҳар, Қўшариқ даҳаси ҳудуди, 1-зонасида жойлашган 1 дона, 144,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 111 506 сўм.

**8.** Ҳаммом, сауна ва сартарошхона биноси қуриш учун, Андижон шаҳар, Шимолий кичик даҳа ҳудуди, 1-зонасида жойлашган 1 дона, 216,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 167 260 сўм.

**9.** Маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун, Андижон шаҳар, 3-кичик даҳа ҳудуди, 2-зонасида жойлашган 1 дона, 144,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 104 649 сўм.

**10.** Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун, Андижон шаҳар, 4-кичик даҳа ҳудуди, 1-зонасида жойлашган 1 дона, 216,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 167260 сўм.

**11.** Қурилиш материаллари сотиш биноси қуриш учун, Андижон шаҳар, Жума бозор МФЙ ҳудуди, 2-зонасида жойлашган 1 дона, 144,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 104 649 сўм.

**12.** Савдо дўкони биноси қуриш учун, Андижон шаҳар, 4-кичик даҳа ҳудуди, 1-зонасида жойлашган 3 дона, ҳар бири 24,0 кв.м.дан ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 18 584 сўмдан.

**13.** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун, Андижон шаҳар, Лойиҳавий Бобур шоҳ кўчаси ҳудуди, 2-зонасида жойлашган 6 дона, ҳар бири 72,0 кв.м.дан ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 52 325 сўмдан.

**14.** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун, Андижон шаҳар, Бобур шоҳ кўчаси ҳудуди, 1-зонасида жойлашган 1 дона, 145,08 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 112 343 сўм.

**15.** Маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун, Андижон шаҳар, 10-сон МФЙ ҳудуди, 1-зонасида жойлашган 1 дона, 144,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 111 506 сўм.

Мажбуриятларини бажариш муддати 2012 йил август.

**16.** Мевали боғ ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун, Андижон шаҳар, Бўстон даҳаси ҳудуди, 2-зонасида жойлашган 20 дона, ҳар бири 400,0 кв.м.дан ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 290 692 сўмдан.

Мажбуриятларини бажариш муддати 2012 йил март.

**17.** Пойабзал ишлаб чиқариш цехи биноси қуриш учун, Андижон шаҳар, Мураббийлар кўчаси ҳудуди, 2-зонасида жойлашган 1 дона, 1000,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 726 760 сўм.

**18.** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш ҳамда турар-жой биноси қуриш учун, Андижон шаҳар, Тошкент кўчаси ҳудуди, 2-зонасида жойлашган 1 дона, 109,25 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 79 395 сўм.

Мажбуриятларини бажариш муддати 2012 йил июнь.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Андижон шаҳар архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби билан танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб, юқорида кўрсатилган муддатда амалга оширилиши лозим.

Ер участкасига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2012 йил 5 март куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Андижон шаҳар ҳокимлиги биносида 2012 йил 6 март куни соат 11.00 да очилади, 2012 йил 6 март куни соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2012 йил 6 мартдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2012 йилнинг 13 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2012 йил 12 март куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Андижон шаҳар ҳокимлиги биносида 2012 йил 13 март куни соат 11.00 да очилади, 2012 йил 13 март куни соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

**Танлов ташкилотчиси** - "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Андижон вилояти филиали.

